

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

РАҲИМОВ САНЖАР АБДУЛАҲАДОВИЧ

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА БАНКЛАРНИНГ
ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Рахимов Санжар Абдулаҳадович

Инновацион иқтисодиётда банкларнинг депозит сиёсати
самарадорлигини ошириш йўллари 3

Рахимов Санжар Абдулаҳадович

Пути повышения эффективности депозитной политики банков в
инновационной экономике 23

Rakhimov Sanjar Abdulahadovich

Ways to increase the effectiveness of banks' deposit policy in
an innovative economy 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

РАҲИМОВ САНЖАР АБДУЛАҲАДОВИЧ

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА БАНКЛАРНИНГ
ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt1224 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Омонов Ақром Абдиназарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимардонов Илхом Музрабшохович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Додиев Фозил Ўткирович
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

ХАБ «Трастбанк»

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д.

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг инновациялашуви халқаро молия бозорларида маблағларга талабнинг кучайиши ва тижорат банкларнинг депозит сиёсатини янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Маълумки, банкларнинг депозит сиёсати уларнинг асосий стратегиясини алоҳида таркибий қисми ҳисобланиб, банкларни ликвид маблағлар билан таъминлаш имкониятини беради. «Банкларнинг ликвид маблағлари уларнинг активларига нисбатан 2020 йилда дунё банк тизимида ўртача 18,8%ни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич Австрияда 4,8%, Францияда 7,5%, Швейцарияда 7,9%, Полшада 14,0%, АҚШда 15,4%, Тожикистонда 39,2%, Афғонистонда 86,9%ни ташкил этмоқда»¹. Шу нуқтаи назардан, инновацион иқтисодиётда тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини оширишни талаб этмоқда.

Жаҳонда тижорат банклари депозит сиёсатини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш, банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш, узок муддатли молиявий ресурсларни жалб қилиш, халқаро Базель андозалари ва меъёрларига мослаштиришга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тижорат банклари депозит сиёсати ва депозит базасининг заифлиги, арзон ва узок муддатли молиявий маблағлар улушининг беқарорлик ҳолатлари кузатилмоқда.

Ўзбекистон банк тизимида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида банкларни бозор тамойиллари ва механизмларига трансформация қилиш, банк хизматлари бозорида соғлом рақобат ва рақамли банк хизматлари кўламини кенгайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, «аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимида ишончли институционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари долзарб бўлиб қолмоқда»². Бу борада, аҳоли ва корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш, масофавий банк хизматлари турларини жорий этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, банкларнинг хизматлари ва тўловлар тўғрисида маълумотларни эълон қилиб бориш борасидаги илмий тадқиқотларни амалга оширишни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини

¹ Bank Liquid Reserves To Bank Assets Ratio By Country <https://tradingeconomics.com/country-list/bank-liquid-reserves-to-bank-assets-ratio-percent-wb-data.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Банкларнинг молиявий ресурслари ва уларнинг табиати бўйича қатор инглиз тилида тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, Дж.Синки, Е.Брейвер, Ж.Дука, Ж.Татом, П.Роуз, К.Мертенс, М.Смирлок ва бошқа мутахассисларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган³.

Шунингдек, депозит сиёсатининг банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясида тутган ўрни ва алоҳида хусусиятлари россиялик иқтисодчи олимлар О.Лаврушин, А.Тавасиев, А.Грибанов, Л.Батраков, О.Жиланлар⁴ томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик олимлардан Т.Каралиев, Ш.Абдуллаева, А.Омонов, Ш.Рўзметов, Б.Мирзамайдинов, А.Раҳимов, И.Жўраев, С.Ходиев⁵ илмий ишларида тижорат банклари ресурс ва депозит базасини мустаҳкамлаш борасидаги муаммолар тадқиқ этилган.

Хусусан, тижорат банклари депозит операциялари бўйича А.Раҳимов томонидан амалга оширилган тадқиқотда депозит базасини кенгайтириш юзасидан хулосалар шакллантирилган. Шунингдек, И.Жўраев илмий ишида

³ Дж.Синки. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 1018 с.; Brewer E. The impact of deregulation on the true cost of savings deposits: Evidence from Illinois and Wisconsin savings and loan associations. Journal of Economics and Business. 1988. Vol. 40, no. 1. P. 79-95.; Duca J.V. Deposit deregulation and the sensitivity of housing. Journal of Housing Economics. 1996. Vol. 5, no. 3. P. 207-226.; Tatom J.A. The effects of financial innovations on checkable deposits, M1 and M2. Federal Reserve Bank of St. Louis Review. 1990. Vol. 72, no. 6. P. 37-57.; Роуз П. Банковский менеджмент: пер. с англ. со 2 – го изд. – М: Дело ЛТД, 1995. – 522 с; Mertens K. Deposit Rate Ceilings and Monetary Transmission in the U.S. Journal of Monetary Economics. 2008. Vol. 55, no. 7. P. 1290-1302.; Smirlock M. An analysis of bank risk and deposit rate ceilings: Evidence from the capital markets. Journal of Monetary Economics. 1984. Vol. 13, no. 2. P. 195-210.

⁴ Лаврушин О.И. и др. Банковское дело/ учебник. Москва.КНОРУС, 2016-795с. Коммерческие банки и их операции. – М.: Банки и биржи, 2015. – 311 с.; Тавасиев, А.М. Банковское дело. Управление и технологии. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. 401 с.; Грибанов А.В. Совершенствование депозитной политики коммерческого банка в контексте его устойчивого развития. автореф. дис. ... канд. экон. наук 08.00.10 – Саранск, 2019.; Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка. Учебник для вузов М.: Логос, 2005. – 325 с.; Жилан О. Депозитная политика коммерческого банка.-Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2013-107 с.

⁵ Абдуллаева Ш.З. «Банк иши».-Т.: Иқтисод-молия 2017 й. -312 б; Қоралиев Т.М «Пул ва банклар» Дарслик. Т.: – Иқтисод-молия, 2019 й. – 461 б; Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 35 б.; Рўзметов Ш.Б. «Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари». и.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.; Мирзамайдинов Б.К. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.- Т., 2008.; Раҳимов А.М. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, –Т.: 2019. 54 б.; Жўраев И.И «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш». Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, – Т.: 2020. 54 б.; Ходиев С.М.. «Совершенствование депозитной политики коммерческих банков в условиях либерализации экономики». автореферат дис. ... канд. экон. наук. 08.00.07 – Т.: 2010. 52 б.

тижорат банклари муддатли депозитлари асосида молиявий ресурслар базасини мустаҳкамлаш хусусидаги тавсиялар ишлаб чиқилган, шу билан бирга Ш.Рўзметов ўз илмий изланишлари натижасида тижорат банклари депозит операцияларини такомиллаштириш хусусидаги хулосалари бугунги кунга келиб ўзининг амалий аҳамиятини пасайтирган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини ошириш масаласи иқтисодчи олимларимиз томонидан махсус илмий тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТМ-3-сон «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк, ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон тижорат банклари депозит сиёсатини самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тижорат банклари депозит сиёсатининг иқтисодий моҳияти ўрганилади ва назарий асосларини тадқиқ этиш;

тижорат банклари депозит сиёсатини асосий тамойиллари ва унга таъсир этувчи омилларни назарий жиҳатдан ўрганиш;

тижорат банклари депозит сиёсатини функциялари ва уларнинг амал қилиш хусусиятларига баҳо бериш;

тижорат банкларида депозит маблағлари ҳолатини таҳлил этиш ва иқтисодий баҳо бериш;

тижорат банклари депозит сиёсатининг шаклланишини ва уни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш;

хорижий банкларда депозит сиёсати ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини амалиётга жорий этиш бўйича тегишли ишланмаларни шакллантириш;

тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида АТИБ «Ипотека банк» ва АТ «Агробанк» фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда гуруҳлаш, илмий абстракциялаш, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари депозитларининг муддати ва суммалари бўйича дифференциал фоиз ставкаларини жорий этиш асосида уларнинг барқарорлик даражаси ҳамда жозибадорлигини ошириш таклифи асосланган;

тижорат банклари депозит сиёсатининг қисқа ва узоқ муддат оралиғидаги самарадорлигини тизимли баҳолашнинг баллик мезонлари таклиф қилинган;

тижорат банклари депозит сиёсатининг иқтисодий самарадорлигини депозит хизматлари бозоридаги талаблар доирасида ҳар чоракда баҳолаш асосида унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклиф этилган;

тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини баллик тизим асосида баҳолаш орқали уларнинг депозит базаси мустаҳкамлигини таъминлаш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари депозит сиёсатининг иқтисодий моҳияти қиёсий ўрганиш асосида унга такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

тижорат банклари депозит сиёсатини шакллантиришнинг асосий тамойиллари ва таркибий элементларига аниқлик киритилган;

тижорат банкларига муддатли депозитларни жалб қилиш ва депозит сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида «сузувчи фоиз ставкалари»ни жорий этиш таклифи асосланган;

депозит сиёсатини самарадорлигини баҳолашда комплекс-тизимли баҳолаш мезонини амалиётга татбиқ этиш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган назарий ва амалий муаммоларга бағишланган тадқиқотчи муаллифларнинг илмий қарашларини ўрганилганлиги, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этилганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари молиявий ҳисоботлари ва статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини ошириш, унинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиш ва назарий-услубий билимлар доирасини кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банкларнинг депозит сиёсатини ишлаб чиқишда фоиз ставкаларининг турлари (қатъий белгилаб қўйилган ва сузиб юривчи (барқарорлик даражасига боғлиқ ҳолда)), реал ва номинал, ижобий ва салбий (ресурслар ва фоизларнинг қадрсизланишидан ҳимояланганлик даражасига боғлиқ ҳолда), шартномавий фоиз ставкалари ва банклараро бозордаги фоиз ставкаси (депозит бозоридаги секторга боғлиқ ҳолда) ва уларни амал қилиш тартибини қатъий белгилаб

қўйиш мақсадга мувофиқлиги таклифи АТИБ «Ипотека банк»нинг 2019 йилга мўлжалланган банк депозит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва амалиётга жорий этилган (АТИБ «Ипотека банк»нинг 2020 йил 17 декабрдаги 14-3/5044-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкнинг жами депозитлари йил бошига нисбатан 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 15,4 фоизга ошган;

тижорат банкларининг депозит сиёсати қисқа ва узоқ муддат оралиғидаги самарадорлигини комплекс-тизимли (вектор) баҳолаш мезонини амалиётга жорий қилиш таклифи АТИБ «Ипотека банк»нинг 2019 йилга мўлжалланган банк умумий стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилди ва амалиётга жорий этилган (АТИБ «Ипотека банк»нинг 2020 йил 17 декабрдаги 14-3/5044-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкнинг муддатли депозитлар суммаси 2020 йил 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45,4 фоизга ортган;

тижорат банкларининг депозит сиёсатини маҳаллий ва хорижий молия бозорларидаги депозит хизматларига бўлган талаб ва таклифларни оптимистик, базавий ва пессимистик сценарийлар асосида ҳар чоракда камида бир марта банк кенгашида муҳокама қилиш асосида тегишли қўшимча ва ўзгаришлар билан қайта тасдиқлаш амалиётини жорий этиш таклифи АТИБ «Ипотека банк»нинг депозит сиёсатида жорий этилиши натижасида депозит хизматлари ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилган (АТИБ «Ипотека банк»нинг 2020 йил 17 декабрдаги 14-3/5044-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида банкнинг келгуси йиллардаги депозит сиёсатини ишлаб чиқишда қўллаш учун банкнинг 2021 йил бизнес режаси параметрларини ишлаб чиқишда жорий этиш учун қабул қилинган;

тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини баллик тизимда баҳолаш модулини жорий этиш таклифи АТИБ «Ипотека банк» депозит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва амалиётга жорий этилган (АТИБ «Ипотека банк»нинг 2020 йил 17 декабрдаги 14-3/5044-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши банкнинг депозитлар баҳоси бозор талаби ва таклифи асосида дифференциялаш имкониятини бериш билан бирга талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича қилинган фоиз тўловларига қилинган харажатларни 2020 йил 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоизга қисқартириш имкониятини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матнининг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг мамлакатимиз банк тизими ривожланиш йўналишларига ҳамоҳанглиги асослаб берилган. Шунингдек, кириш қисмида тадқиқот ишининг илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертация ишининг **«Банкларнинг депозит сиёсатининг назарий асослари, тамойиллари ва функциялари»** номли биринчи бобида тижорат банклари депозит сиёсатининг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари тадқиқ этилган, депозит сиёсатининг асосий тамойиллари ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда унинг функциялари ва уларнинг амал қилиши тадқиқ этилиб тегишли ишланмалар шакллантирилган.

Маълумки, тижорат банклари пассив операциялари ҳажми, барқарорлик даражаси ва шаклланиш манбалари уларнинг молиявий ва иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини таъминлаш бевосита уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор ресурс базасини шакллантириш имкониятини беради. Шу боис, тижорат банклари депозит сиёсати уларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, банкларнинг актив операциялари натижасида шакллантирилаётган даромадлари ҳажми ушбу сиёсатнинг самарадорлигига бевосита боғлиқ.

Тадқиқот ишида «депозит», «сиёсат», «депозит сиёсати» каби иқтисодий атамалар илмий ва амалий жиҳатдан қиёсий ўрганилган ва тегишли ишланмалар шакллантирилган. Хусусан, «депозит» сўзи латинча «*dipositum*» – «сақлашга топширилган буюм» маъносини, «сиёсат» сўзи грекча «*politike*» сўзидан олинган бўлиб, «давлатни бошқариш санъати» маъносини англатиши маълум бўлди⁶. «Депозит сиёсати» сўзининг иқтисодий моҳиятидан кўриниб турибдики, «сақлашга топширилган» қиймат, буюм ёки бошқа предметни «бошқариш» зарурлигини англатмоқда.

«Сиёсат» тушунчаси – философия энциклопедик луғатида «Сиёсат – ҳам амалий муносабатлар ҳам мафкура сифатида иқтисодий жараён ҳаракати билан умумлаштирилган ва жамиятнинг иқтисодий базисига қурилма бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий қизиқишлар охир оқибатда сиёсий ҳаракатнинг сабаби сифатида майдонга чиқади».

Вебстрнинг луғатида «сиёсат» тушунчаси «кетма-кет боғланган ҳаракатларнинг бажарилиш усули, бу ерда тамойиллар уни амалга оширишда тегишли усуллар сиёсатини аниқлашнинг асоси сифатида тушунилади⁷». «Сиёсат»ни келиб чиқишини аниқлайдиган жамият муносабатлари соҳаси сиёсат таъсирининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, «сиёсат»ни ҳам бирон-бир соҳадаги фаолият ҳам мафкура сифатида тушуниш мумкин. Шундай қилиб, «сиёсат» ихтиёрий соҳада маълум бир услублар тўплами аниқ

⁶ 2001 «Большая Российская энциклопедия» <http://www.rubricon.com/>

⁷ Economy | Definition of Economy by Merriam-Webster <https://www.merriam-webster.com/dictionary/policy>

вазифаларни ечишга қаратилган тадбирлар мажмуи деб тушунилса, унда банкнинг ресурс базасини шакллантириш бўйича ўтказилаётган операциялар тавсифи бу сиёсатни «депозит сиёсати» деб аташга имкон беради.

Демак, фикримизча, «депозит сиёсати» сўзини алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, ушбу сўз тижорат банкларининг муддатли молиявий ресурсларни бошқариш маъносини англатмайди. «Депозит сиёсати» сўзи, албатта «тижорат банклари депозит сиёсати» тарзида қўллансагина, у тижорат банкларида жалб қилинган маблағлар доирасида тегишли чора-тадбирлар маъносини англатади. Хусусан, Л.С.Падалкина «депозит-бу кредит муассасалардаги барча муддатсиз қуйилмалардир»⁸ дея таъкидлайди.

Л.С.Падалкинанинг депозитни кредит муассасаларидаги муддатсиз қуйилмалар деган фикрига қўшила олмаймиз, чунки муаллиф депозитни муддатсиз қуйилмалар тарзида таърифлаши натижасида унинг муддатли маблағлар сифатида намоён бўлишини инкор этмоқда. Шу билан бирга, қиймат ёки натура кўринишида шаклланиши ҳам эътибордан четда қолган.

Америкалик иқтисодчи олим Э.М.Родэ «депозит – банк мижозларининг жамғармадан ташқари барча муддатли ва муддатсиз қуйилмаларидир» деган иқтисодий талқинни илгари суради⁹. Э.М.Родэнинг депозитга берган иқтисодий таърифи Л.С.Падалкинанинг таърифига нисбатан аниқроқ бўлиши билан бирга, муаллиф банк депозитининг айнан қиймат кўринишида намоён бўлишини эътиборга олмаган.

Россиялик иқтисодчи М.Н.Березина «депозит – бу мижозга унинг барча турдаги пул маблағларини сақлаш учун очиладиган ҳисобварақдир» деган янаям соддароқ, агар таъбир жоиз бўлса депозитнинг иқтисодий маъносига жудаям яқин бўлмаган фикрни илгари суради. Юқорида келтирилган таърифлар ва манбалардан кўриниб турибдики, банк амалиётида қўлланилаётган депозитлар ва, умуман, депозитлар ҳақида иқтисодий адабиётларда ягона ёндашув мавжуд эмас. Халқаро банк амалиётида депозитлар дейилганда молия – кредит ёки банк муассасаларига сақлаш учун берилган қимматли қоғозлар ёки пул маблағлари тушунилади¹⁰.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади¹¹. Худди шунингдек, ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар «Пассивлар ҳақида банкнинг шундай операциялари тушуниладики, уларнинг натижасида пассив ёки актив – пассив ҳисоб варақларида маблағларнинг кўпайиши юз беради, жумладан, пассивдаги маблағлар активдагидан ортиб боради¹²», – тарзидаги таърифи шакллантирилган.

Банк депозити сиёсати хусусида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида унга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмаслиги ҳақида қарор

⁸ Падалкина Л.С. Современная денежно-кредитная система капитализма. – М.: ВЗФЭИ, 1982. – С.152.

⁹ Родэ Э.М. Банки, биржи, валюты современного капитализма. М.: «Дело ЛТД», 1995. –С. 148.

¹⁰ Мицек С.А. Экономика финансовых институтов. – Екатеринбург: Дело, 1996. – С.42.

¹¹ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: Молия, 2000. – 211-б.

¹² Кадилов А.К. и др. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. Монография. – Ташкент: Узбытцентр, 1991. – С.16.

чиқариш мумкин. Шу боис ҳам депозит сиёсатини қўйидаги асосий йўналишлар бўйича гуруҳлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:



1-расм. Тижорат банклари депозит сиёсатининг асосий йўналишлари¹³.

Инновацион иқтисодиётда тижорат банкларининг депозит сиёсати қўйидаги асосий блокларни ўз ичига қамраб олади:

- Методологик блок;
- Функционал блок;
- Инструментал блок;
- Институционал блок.

Тижорат банкларнинг депозит сиёсати самарадорлигини оширадиган яна битта омил бу - уларга белгиланадиган фоиз ставкаларидир. Бизга маълумки, жалб қилинган маблағларга белгиланадиган фоиз ставкаси қанчалик юқори ва жозибатор бўладиган бўлса, банкка пул маблағларини қўйувчилар сони ошади. Банк бундан аниқ муддатларда ресурс сифатида фойдалана олади ҳамда ўзининг фойдаси миқдорини ошириб олиш керак. Ҳозирги шароитда банкларнинг депозит сиёсатини ишлаб чиқишда фоиз ставкаларининг турлари, реал ва номинал, ижобий ва салбий, шартномавий фоиз ставкалари ва банклараро бозордаги фоиз ва уларни амал қилиш тартибини қанчалик белгилаб қўйиш керак. Шу орқали банк ўзининг депозит сиёсати самарадорлигини ошириб бориши мумкин.

Диссертация ишининг «**Инновацион иқтисодиётда банклар депозит сиёсатини амал қилиши ва ривожланиш тенденциялари**» номли иккинчи бобида тижорат банкларида депозит маблағлари ҳолатининг таҳлили, депозит сиёсатининг шаклланиши ва уни ривожланишининг амалий ҳолатини ўрганиш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқилган, шунингдек мазкур бобда депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш мезонлари аниқланган ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қайд этиш жоизки, тижорат банклари, бошқа хўжалик субъектларидан фарқли ўлароқ молиявий ресурсларга кучли эҳтиёж сезади. Чунки уларнинг

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

асосий фаолияти иқтисодиётдаги вақтинча бўш пул маблағларни маълум шартлар асосида жалб этиб, ушбу маблағларга эҳтиёж сезган хўжалик юритувчи субъектларига тўловлилик, қайтаришлик ва муддатлилик асосда беришга қаратилган.

Назаримизда, миллий иқтисодиётнинг инновацион бозор тамойиллари ва механизмларига ўтиш шароитида тижорат банклари сони ва уларнинг ҳудудий жойлашиши депозит маблағларни самарали жалб қилиш ва уларнинг актив операциялари бўйича самарали фаолиятини ташкил этиш имкониятини беради.

Халқаро банк амалиёти ва мамлакатимиз банкчилик тажрибасидан маълумки, тижорат банкларининг асосий ресурс базаси уларнинг депозит операциялари натижасида шакллантирилади. Қуйидаги расмда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит маблағларининг маълум саналардаги ўсиш динамикасини таҳлил қиламиз.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами депозитларининг ўсиш динамикаси¹⁴ (йил охирига, млрд. сўм)

Маълумотларга кўра, охириги беш йил давомида мижозлар томонидан тижорат банкларига қўйилган депозитлар ҳажми ошиб келган. Эътибор берадиган бўлсак, таҳлил қилинаётган йиллар давомида жалб қилинган депозитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга. Бу кўрсаткич 2019 йил якунлари бўйича 91 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 2,6 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Миллий валютадаги депозитлар бўйича реал фоиз ставкасининг ижобийлиги депозитлар жозибadorлигини ошириб, 2019 йилда миллий валютадаги муддатли депозитлар ҳажмининг 43 фоизга, шу жумладан, аҳолининг банклардаги депозитларининг 54 фоизга кўпайишига хизмат қилди.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. www.cbu.uz.

1-жадвал

Мамлакатимиз тижорат банклари депозитлари таркиби¹⁵
(йил охирига, % да)

Депозитлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
<i>Муддатли</i>	30,2	29,5	24,9	37,2	46,1
<i>Жамгарма</i>	11,3	11,1	11,0	11,0	9,3
<i>Талаб қилиб олингунча</i>	58,5	59,5	64,1	51,8	44,6
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, тижорат банклари депозит маблағлари таркибида чақириб олингунча сақланадиган депозитларнинг улуши асосий ўринни эгаллайди. Ушбу кўрсаткич 2016 йил 1 январь ҳолатига жами депозит маблағларнинг 58,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 44,6 фоиздан юқорироқни ташкил этган ёки шу даврда 11,9 пунктга пасайган.

Халқаро банклар амалиётида ресурслар таркибида депозит маблағлар улуши нисбатан юқори бўлиб, мамлакатимиз банк тизими депозит базаси салмоғини уларга нисбатан таққослаб ўрганадиган бўлсак, қатор масалалар бўйича тегишли ишларни амалга ошириш зарурати мавжудлигини кўришимиз мумкин. Чунки, уларда жами ресурслари таркибида депозитлар ва депозитлар таркибида эса муддатли депозитлар улуши жуда юқоридир (3-расм).

2-жадвал

Республикаимиз тижорат банкларининг депозит маблағлари таркиби
тўғрисида маълумот¹⁶ (млрд. сўм)


Кўрсаткичлар	Жами депозитлар	Юридик шахслар депозитлари		Аҳоли омонатлари	
		жами	% да	жами	% да
2015 йил	35600	28634	80,43	6966	19,57
2016 йил	44600	36069	80,87	8531	19,13
2017 йил	59579	47447	79,64	12132	20,36
2018 йил	70001	55297	78,99	14704	21,01
2019 йил	91009	69956,7	76,87	21052,3	23,13

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, 2015 йилда тижорат банклари томонидан 35 600 млрд. сўм миқдорида депозит жалб қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига деярли 2,6 баробарга ошган ҳамда 91 009 млрд. сўмни ташкил этган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. www.cbu.uz.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. www.cbu.uz.

Қуйидаги расмда айрим мамлакатлар банк тизимида муддатли маблағлар ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган.




3-расм. Айрим ривожланган ва МДҲ мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон банклари жами ресурслари таркибида «узун» маблағлар (муддатли ва жамғарма депозитлар)нинг улуши, (фоиз ҳисобида)¹⁷.

3-расмда АҚШ, Япония, Хитой, Қозоғистон, Россия ва Германия мамлакатлари банк тизими ресурслари таркибида муддатли маблағлар улуши мамлакатимиз тижорат банклари ресурслари таркибидаги муддатли маблағлар улушига таққослаш асосида таҳлил этилган. Ушбу кўрсаткични АҚШ мисолида кўрадиган бўлсак, таҳлил этилган даврда 60 фоиздан юқори даражани ташкил этган, шунингдек, Хитой ва Россия Федерацияси банк тизими ресурслари таркибида ҳам муддатли маблағлар улуши юқори даражани ташкил этган бўлиб, таҳлил этилган даврда ўртача 45-55 фоизни ташкил этган.

АТИБ Ипотека банкининг депозит манбаларини 4-расм маълумотлари асосида таҳлил этадиган бўлсак, таҳлил этилган даврда талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағларнинг улуши нисбатан юқори бўлган. Масалан, банкнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлари 2015 йил 31 декабрь ҳолатига ушбу манбанинг улуши 64,9 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 41,4 фоиз атрофида бўлган. Демак, таҳлил этилган давр мобайнида ушбу манба 23,5 пунктга пасайган.

АТИБ Ипотека банки депозит базаси таҳлили хусусида хулоса қиладиган бўлсак, банкда ўрганилаётган давримизнинг дастлабки йилларида депозит сиёсатининг ишлаши самарали ташкил этилмаганлигини, бу борада қатор ишларни, айниқса банкнинг муддатли маблағлари улушини ошириш лозимлигини таъкидлаш мумкин. Лекин, 2019 йилда депозит сиёсатини самарали ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида банк учун барқарор ҳисобланган депозитларнинг улуши ошиб бормоқда.


¹⁷ Тижорат банкларининг эълон қилган ҳисоботлари ва International Financial Statistics IMF. July 2019, pp. 1036, 546, 272, 560, 834, 1022 маълумотлари асосида тузилди.



4-расм. АТИБ Ипотека банкининг депозитлари ҳажми ва унинг ўсиш динамикаси (млрд.сўмда)¹⁸.

4-расм маълумотларидан кўринадики, АТИБ Ипотека банкининг жами ресурслари таркибидаги депозит маблағлари улушига эътибор қаратадиган бўлсак, банкнинг ресурслари таркибида ушбу манбанинг улуши 2015 йил 1 январь ҳолатига 55,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига 33,3 фоизгача тушган.

Қуйидаги расмда мамлакатимиз йирик тижорат банкларидан бири ҳисобланган АТ «Агробанк»нинг депозит манбаларини тадқиқ қилиш орқали тадқиқот ишини янада чуқурлаштиришга ҳаракат қиламиз.



5-расм. АТ «Агробанк»нинг 2015-2020 йиллар 1 январь ҳолатига депозитлар таркиби ва динамикаси, фоиз ҳисобида¹⁹.

5-расмда АТ «Агробанк»нинг депозит маблағлари салмоғи ҳақидаги маълумотлардан кўриниб турибдики, банкнинг беқарор маблағлари салмоғи, яъни талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлари жами депозитлар таркибида таҳлил этилган даврда сезиларли салмоқни ташкил этган.

¹⁸ www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Масалан, ушбу кўрсаткич 2015-2017 йилларда 52 фоиз атрофида бўлган ҳолда, 2019 йил 1 январдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2019 йил 31 декабрда 21,3 фоизгача тушгани ижобий ҳолат ҳисобланади.

Депозит сиёсати самарадорлигини баҳолашда қўлланилаётган услубий ёндашувларни биз шартли равишда уч гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимига асосланган услубият. Ушбу услубият ёрдамида кредит ташкилотларининг маълум бир гуруҳи ёки фаолияти йўналишлари таҳлил этилади. Ўз навбатида, таҳлил процедураси бухгалтерия ҳисоботлари ёки эксперт баҳолаш асосида амалга оширилади²⁰.

2. Тижорат банклари фаолиятини баҳолашда коэффициентлар тизимига асосланган услубият. Мазкур услубият нисбатан кенг тарқалган бўлиб, бир қатор устуворликларга эга.

3. Тижорат банклари фаолиятини баҳолашда молиявий таҳлилга асосланган услубият. Мазкур услубиятга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири банк фаолияти натижаларини таҳлил этишда мутлақ кўрсаткичлардан қўлланилиши ҳисобланади.

3-жадвал

Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини баллик тизимда баҳолаш модули²¹

Кўрсаткич номи	Халқаро амалиётда қабул қилинган меъёр	Юқори самарадорлик		Ўрта самарадорлик		Паст (ёмон) самарадорлик	
		Амалдаги ҳолати	Белгиланган балл	Амалдаги ҳолати	Белгиланган балл	Амалдаги ҳолати	Белгиланган балл
Соф СПРЭД	0,5	0,4-0,5	4-5	0,2-0,4	2-4	0,1 гача	0-2
Фоиз маржаси	3,5-4%	3-4%	4-5	1,5-3%	2-4	1,5 %гача	0-2
Жалб этилган депозит ресурслари ўртacha қиймати коэффициентлари	0,6	0,5-0,6	4-5	0,2-0,5	2-4	0,2 гача	0-2
Жалб этилган депозит ресурсларидан фойдаланиш коэффициентлари	1,0	0,8-1	4-5	0,4-0,8	2-4	0,4 гача	0-2
Жалб этилган депозит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффициентлари	0,4	0,3-0,4	4-5	0,1-0,3	2-4	0,1 гача	0-2
Депозит операциялари самарадорлиги	1,0	0,8-1	4-5	0,4-0,8	2-4	0,4 гача	0-2
Жами балл мезони	x	x	24-30	x	12-24	x	0-12

²⁰ Rostami M. CAMELS' Analysis in Banking Industry. Global Journal of Engineering Science and Research Management, 2015, vol. 2, iss. 11, pp. 10-26. <https://www.researchgate.net/publication/283854804>

²¹ Модул муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Илмий тадқиқот ишининг ушбу параграфи доирасида таҳлил этилган ва бошқа олимлар ҳамда мутахассислар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, шунингдек, жаҳон банклари амалиётида тижорат банклари депозит сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш бўйича қўлланилаётган услубиятлар ва кўрсаткичлар мажмуасини ўрганиш асосида депозит сиёсатининг самарадорлигини баллик тизимда баҳолаш модели ишлаб чиқилган.

Юқоридаги баллик модель орқали барча тижорат банкларини депозит сиёсати самарадорлигини баҳолаш мумкин. Шу ўринда қайд этиш лозимки, коронавирус пандемиясига қарши чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўплаб салбий ҳолатлар билан бир қаторда жисмоний ва юридик шахсларнинг омонатлари ҳажмининг камайиб боришига олиб келди. Бу жараён банкларнинг депозит базасининг кучсизланишига олиб келмоқда.

Диссертация ишининг **«Банклар депозит сиёсати самарадорлигини ошириш йўллари»** номли учинчи бобида хорижий банкларда депозит сиёсати ва унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ҳамда инновацион иқтисодиётда банклар депозит сиёсати муаммоларининг ечимлари ва уни самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тижорат банклари депозит базаси микродаражада кредит ташкилотлари ликвидлилик ва рентабеллик даражасига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Бир сўз билан айтганда, депозит базаси, ликвидлилик, рентабеллик каби иқтисодий кўрсаткичлар бир-бирига ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғлиқ механизмлар ҳисобланиб, банкнинг асосий фаолияти ҳам шулар асосида ташкил этилади.

Депозит сиёсатини шакллантиришда ҳар бири алоҳида олинган кредит муассасалари унинг асосий мезонларини аниқлаб олади. Депозит сиёсатининг асосий мезони сифатида банкнинг фаолият юритиш учун барқарор депозит базасини шакллантиришга қаратилади. Чунки тижорат банклари депозит маблағлари қанчалик юқори бўлса уларнинг ликвидлилик даражаси ҳам шу даражада мустаҳкам бўлади. Банкнинг юқори даражада депозит базасига эга бўлиши унинг рискка тортилган активлари ҳажмини пасайтирмасдан мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажариш имкониятини беради. Шу жиҳатдан бўлса керак, халқаро банк амалиётида депозит маблағлари асосий ва ўзгарувчан манбаларга ажратилади.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари депозит базасининг барқарорлик даражасини мустаҳкамлашда банкларга жалб қилинаётган омонатлар ва депозитларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи ҳамда банк томонидан тузиладиган депозит сиёсатини такомиллаштиришда депозитларни суғурталаш тизими самарали фаолият юритиб келмоқда.

Таҳлиллар ва хорижий мамлакатлар ва тижорат банклари амалиётини ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини оширишда банкларнинг депозит сиёсатини маҳаллий ва хорижий молия бозорларидаги депозит хизматларига бўлган талаб ва таклифларни оптимистик, базавий ва пессимистик сценарийлар асосида ҳар чоракда камида бир марта банк кенгашида муҳокама қилиш асосида тегишли қўшимча ва ўзгаришлар билан қайта тасдиқлаш амалиётини жорий этиш зарур. Бунинг натижасида, биринчидан тижорат банклари амалга ошираётган депозит

сиёсатининг самарадорлигига оператив равишда баҳо бериш мумкин бўлади, иккинчидан, қисқа муддатга тузиладиган сиёсатнинг барча камчиликларини катта йўқотишларсиз ҳал қилиш имкони яратилади.

Банкларнинг депозит сиёсати самарадорлигини аниқлаш нуқтаи-назаридан қуйидаги коэффицентлар аҳамиятини батафсил кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

4-жадвал

Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини ифодаловчи коэффицентлар²²

Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш тартиби	Иқтисодий моҳияти
